

Евросиё тараққиёт банки исломий молияни ривожлантирмоқчи



14:21 / 24.10.2023 1592

Евросиё тараққиёт банки Марказий Осиёда исломий молияни фаол тарғиб қила бошлаганини маълум қилди. Бу ҳақда банк маъмурияти 2023 йил 11 октябрь куни Марокашда бўлиб ўтган Жаҳон банкининг йиллик йиғилишида билдирган.

Эълон қилинган баёнотда айтилишича, 2022 йил бошида исломий молиянинг глобал активлардаги улуши атиги 1 фоизни ташкил этади.

Сегмент тез суръатлар билан ўсиб бормоқда: 2015-2021 йилларда дунёда ислом активлари ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши анъанавий молиявий

активлар бўйича 5,8 фоизга нисбатан 10,5 фоизни ташкил этди.

Баёнотда айтилишича, Марказий Осиё мамлакатлари – Евросиё тараққиёт банкига аъзо давлатлар (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардир. Шу боис, шариатга мувофиқ молиялаштиришга талаб ортиб бормоқда.

Банк маълумотларига кўра, Қозоғистондаги ислом активлари 2021 йилнинг охирига келиб барча банк активларининг 0,2 фоизини, Қирғизистонда – 1,5 фоизини, Тожикистонда – 1,1 фоизини ташкил қилган.

Ўзбекистон ва Туркменистонда бу каби статистик маълумотлар эълон қилинмаган.

«Марказий Осиёда жами банк активларидаги улуш аҳамиятсиз бўлишига қарамай, минтақанинг бир қатор мамлакатларида молиялаштиришни шариатга мувофиқ тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди, бу эса исломий молиянинг банк ва лизинг каби сегментларини шакллантириш имконини берди», дейилади баёнотда.

Ушбу ташкилот ҳисоб-китобларига кўра, 2030-2035 йиллар оралиғида Марказий Осиёдаги исломий молия активларининг потенциал ҳажми 10 миллиард долларга етиши мумкин.

«Банк ҳозирда Марказий Осиёда ислом молиясини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Форс кўрфази мамлакатлари молия институтлари билан ҳамкорликни фаол кенгайтirmoқда, хусусан, Ислом тараққиёт банки гуруҳи ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда», дейилади хабарда.

Банк Марказий Осиёдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2024 йилда халқаро бозорга 500 миллион долларлик сукук (облигацияларнинг ислом эквиваленти) чиқаришни режалаштирмоқда, бу эса минтақа учун эталонга айланиши мумкин. Маблағлар йўналтирилиши мумкин бўлган потенциал лойиҳалар рўйхати аллақачон тузилган.

Евросиё тараққиёт банки ушбу ҳудудда инвестиция фаолиятини амалга

оширувчи минтақавий молия ташкилотдир. Унинг устав капитали 7 млрд доллар. Банк портфелидаги асосий улуш транспорт инфратузилмаси, рақамли тизимлар, яшил энергия, қишлоқ хўжалиги, саноат ва машинасозлик соҳаларида интеграция эффектига эга бўлган лойиҳаларга тўғри келади.

